



**“«МУНОСИБ МЕҲНАТ ҚИЛИШ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ
РОЛИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК ВА КАМ ДАРОМАД БИЛАН
БОҒЛИҚ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»”**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 310-гуруҳ курсанти

Абдурашидов Иброҳим Арофатали ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон

ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор

Неъматов Шерзод Ниматжонович

Аннотация

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида жиноятчилик профилактикасининг янги босқичи – меҳнатга лаёқатли, лекин бандлиги таъминланмаган ва доимий муносиб даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва амалий муаммоларига бағишланган. Мақолада Конституциянинг янги 42-моддасида биринчи марта мустаҳкамланган «муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи»нинг профилактика инспекторлари фаолиятига таъсири, ПФ-6196-сон Фармон, ПҚ-347-сон Қарор ҳамда «Ички ишлар органлари тўғрисида» ва «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли нормалари чуқур таҳлил қилинади. Ишсизлик ва кам даромаднинг криминоген омил сифатидаги роли, профилактика инспекторларининг ушбу тоифадаги шахсларни аниқлаш, профилактик ҳисобга олиш ва ижтимоий реабилитациядаги ваколатлари кўрсатиб берилган. Муаллиф томонидан фаолиятни такомиллаштириш бўйича аниқ норматив, ташкилий, техник ва жамоатчилик механизмларига оид таклифлар берилган. Мақола ички ишлар



органлари ходимлари, бандлик ва камбағалликни қисқартириш соҳаси мутахассислари, шунингдек, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари талабалари учун мўлжалланган.

Калит сўзлар

Муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи, профилактика инспектори, ишсизлик профилактикаси, кам даромад, Конституция 42-модда, ПФ-6196-сон Фармон, жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий профилактика, маҳалла даражасидаги назорат, бандликка кўмаклашиш, криминоген омиллар.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш миллий сиёсатининг марказида ишсизлик, кам даромад ва ижтимоий ночорлик каби омилларнинг жиноятчиликка таъсирини бартараф этиш турибди. Шунингдек жамиятда ёшлар ва хотин-қизлар ўрни ҳамда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолати ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда, айниқса, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жиноятчиликдан муҳофазаси долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.¹ Меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг бандлиги таъминланмаганлиги, доимий ва муносиб даромад манбаига эга бўлмаганлиги мамлакатимизда жиноятчиликнинг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири сифатда расман тан олинган ва бу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳриридаги 42-моддаси биринчи марта «муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи»ни конституциявий кафолат даражасига кўтарди. Эндиликда фуқаролар нафақат иш топиш, балки қонуний,

¹ Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.



хавфсиз ва инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлай оладиган даромад олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, моддада «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади» тамойили илк бор мустаҳкамланди. Бу нормалар Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) стандартларига тўлиқ мос келиши билан бирга, профилактика инспекторларининг ишсиз ва кам даромадли шахслар билан ишлашнинг конституциявий вазифа даражасига олиб чиқди. Ушбу конституциявий ўзгаришларни амалга оширишда ички ишлар органларининг роли алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон Фармони билан жамоат хавфсизлиги тизими сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди ва профилактика инспекторларига «ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчилик сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш» вазифаси юклатилди. Фармоннинг 1-, 2-, 4-бандлари ва «Йўл харитаси»нинг 22-, 26-бандларида айнан меҳнатга лаёқатли, лекин банд бўлмаган, доимий муносиб даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш, улар билан профилактик ва ижтимоий чора-тадбирлар ўтказиш очик белгиланди. Бу йўналиш 2024 йил 4 октябрдаги ПҚ-347-сон Қарор билан янада кенгайтирилди: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига маҳаллабай ишсизларни номма-ном ҳисобга олиш, уларни ишга жойлаштириш, касбий ўқитиш ва муносиб меҳнат билан таъминлаш бўйича ягона масъуллик юклатилди. Профилактика инспекторлари эндиликда мазкур вазирлик билан тўғридан-тўғри ҳамкорликда, маҳалла даражасида ишсизлик ва кам даромаднинг жиноятчиликка олиб келадиган оқибатларини барвақт олдини олишга мажбур. Шундай қилиб, меҳнатга лаёқатли, лекин муносиб даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан ижтимоий-профилактик чора-тадбирлар қўллаш фаолияти Ўзбекистонда фақат маъмурий ёки



идоравий вазифа эмас, балки Конституциянинг 42-моддасидан келиб чиқадиган, ПФ-6196 ва ПҚ-347-сон ҳужжатларда мустаҳкамланган миллий сиёсатнинг ажралмас қисмига айланди. Бу фаолият энди нафақат жинойтчиликнинг олдини олиш, балки фуқароларнинг муносиб меҳнат ва муносиб турмуш даражасига бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашишнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирдаги 42-моддаси² меҳнат ҳуқуқларини энг кенг ва замонавий шаклда кафолатлайди. шбу модданинг Профилактика инспекторлари (ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари) томонидан бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш фаолиятидаги аҳамияти жуда катта. Аввалги Конституцияда фақат “меҳнат қилиш ҳуқуқи” бор эди. Янгисида “муносиб меҳнат” деб айтилмоқда. Бу эса халқаро меҳнат стандартлари билан тўлиқ мослашган. Профилактика инспектори учун бу шуни англатадики, энди у фақат “ишсиз” эмас, балки меҳнатга лаёқатли бўла туриб, муносиб (яъни қонуний, хавфсиз, камида энг кам ойлик маошдан кам бўлмаган) иш топа олмаётган шахсларни ҳам аниқлаши керак. “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади” Бу янги жумла жуда муҳим энди энг кам ойлик маош фақат статистик рақам эмас, балки инсоннинг муносиб яшаш даражасини таъминлаши шарт. Профилактика инспектори учун бу дегани агар одам меҳнатга лаёқатли бўла туриб, ойига маълум бир сумма топиб, “яшаб” юрган бўлса-да, бу муносиб турмуш даражасини таъминламайди дегани. Демак, бундай шахсларни ҳам “доимий муносиб даромад манбаига эга эмас” деб ҳисоблаш мумкин ва профилактик ҳисобга олиш асосли бўлади. Шунингдек моддада “ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқи”

² <https://lex.uz/docs/6445145/> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



бор. Бу дегани, давлат ишсизлик нафақаси, бандликка кўмаклашиш марказлари, қайта ўқитиш ва ҳоказо орқали ишсизликнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиши шарт. Агар шахс меҳнатга лаёқатли бўла туриб, бандлик марказига мурожаат қилмаган, иш топишга ҳаракат қилмаётган бўлса, профилактика инспектори уни ушбу конституциявий ҳуқукдан фойдаланмаётганлиги учун ҳам профилактик чора кўриши мумкин. Мазкур модданинг Профилактика инспектори учун амалий аҳамияти шундаки еҳнатга лаёқатли, лекин ҳеч қандай қонуний ва муносиб даромад манбаи йўқ шахсларни аниқлаш энди фақат маъмурий эмас, балки конституциявий вазифа ҳисобланади. “Энг кам ойлик маошдан кам даромад” ёки “қора ишда ишлаш” ҳолатларининг ўзиёқ профилактик чора кўриш учун етарли асос бўла олади (чунки бу муносиб турмуш даражасини таъминламайди). Шахснинг иш топишга бўлган ҳаракатсизлиги (бандлик марказига бормаслик, ўқимаслик, қайта тайёрланмаслик) унинг конституциявий ҳуқуқидан воз кечиши сифатида баҳоланиши мумкин. Янги модда ХМТ (ILO) стандартларига тўлиқ мос келгани учун, профилактика инспекторининг бундай тоифадаги шахслар билан ишлаши халқаро майдонда ҳам асосланган бўлади. Хулоса қилиб айтганда янги 42-модда профилактика инспекторларининг “меҳнатга лаёқатли ишсизлар” билан ишлаш фаолиятини конституциявий даражага кўтарди ва уларга анча кенгроқ асос ва ваколат берди. Энди бу фаолият фақат жиноятчилик профилактикаси эмас, балки фуқароларнинг муносиб меҳнат қилиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиш вазифасига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 04.10.2024 йилдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни



ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-347-сон қарори ³– бу мамлакатда камбағалликни қисқартириш ва бандлик сиёсатини тубдан янгилашга қаратилган энг муҳим ҳужжатлардан бири. Унинг асосий мақсади – 2026 йилга қадар Ўзбекистонни “камбағалликдан фаровонлик сари” олиб чиқиш. Ушбу қарор билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг асосий 6 та стратегик вазифаси белгиланди. Меҳнат бозорини чуқур таҳлил қилиш ва ишсизликни манзилли ҳисобга олишда:

- меҳнат бозори ва ишсиз аҳоли таркибий таҳлили
- ишсизларни номма-ном ҳисобга олиш
- иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқларида меҳнатга талаб прогнозлари
- ҳалқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорлик. Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини шакллантириш ва ишга жойлаштириш:
- ҳар йилги бандлик дастурини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш
- бўш иш ўринларининг ягона миллий базасини юритиш
- ишсизларни иш берувчилар билан тўғридан-тўғри боғлаш вазифалари қўйилди. Шунингдек қўшимча муҳим ваколатлар сифатида «Ишга марҳамат» мономарказлари негизида 60 дан ошiq касбий кўникмалар марказлари ташкил этиш, ягона миллий меҳнат тизими ва миллий вакансиялар базасини ишга тушириш, хорижий ишчи кучи миграциясини тартибга солиш ва тасдиқнома бериш, маҳаллабай лойиҳавий бошқарув тизимини жорий этиш, энг оғир маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун маблағларни вазирлик лойиҳалари бўйича ажратиш белгиланган. Умумий олиб айтганда, қарор билан Вазирликка камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича ягона масъул ва ижро этувчи орган мақоми берилиб, унга меҳнат бозори, касбий ўқитиш, муносиб меҳнат ва маҳалла даражасидаги ижтимоий-

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 04.10.2024 йилдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-347-сон қарори



иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича кенг ваколатлар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли қарори ⁴бўлиб, 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган. У ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи ҳисобланади ва асосий мақсадиходимлар масъулиятини ошириш, аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, коррупция ва бюрократияни камайитириш, хизмат сифатини ошириш билан бирга қарор билан қабул қилинган низомда Ички ишлар вазирлигининг янги вазифалари аниқ кўрсатилган бўлиб унга кўра фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи ўринга чиқарилди, маҳалла, фуқаролик жамияти билан яқин ҳамкорлик, профилактика (олдини олиш) жиноятларни тергов қилишдан устун қўйилди, ёшлар ва вояга етмаганлар орасида ишлаш кучайтирилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси 26.03.2021 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармон⁵ида профилактика инспекторлари томонидан бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан ижтимоий профилактика чора-тадбирлари қўллаш масалалаларига эътибор қаратилган. Мазкур фармоннинг 2-бандида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилади ва уларнинг асосий вазифаси қуйидагича белгиланган: «ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини» бу вазифани профилактика инспектори

⁴ <https://lex.uz/docs/3165013#3165365> // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли қарори

⁵ Ўзбекистон Республикаси 26.03.2021 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармон



мувофиқлаштиради, 4-банди пробация бўлинмалари туман, шаҳар ИИО бўйсунувига ўтказилади ва «пробация ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгилансин» деб кўрсатилган. мумий мақсад (Фармоннинг 1-банди) «ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» Ишсизлик, доимий даромад йўқлиги – жиноятчиликнинг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири сифатида ҳар доим айтиб келинади ва бу фармонда профилактика инспекторига юкланаётган асосий вазифалардан биридир. Умумий олганда ПФ-6196-сон Фармон ва унинг «Йўл харитаси»да профилактика инспекторларининг ишсиз, меҳнатга лаёқатли, доимий даромад манбаи бўлмаган шахсларни аниқлаш, улар билан профилактик иш олиб бориш ва ижтимоий профилактика чора-тадбирларини қўллаш масаласи очик кўрсатилган ва бу йўналиш янги тизимнинг марказий элементларидан бири ҳисобланади (айниқса 1-, 4-, 22-, 26-бандларда).

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни⁶нинг 4-моддаси ички ишлар органларининг (шу жумладан профилактика инспекторларининг) фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди. Ушбу модда профилактика инспекторларининг бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли, лекин доимий муносиб даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш фаолиятини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлайди, чунки ишсизлик ва даромадсизлик ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади (Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасига кўра). Модданинг Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги бандида меҳнатга лаёқатли шахснинг доимий даромадсиз юриши Конституциянинг 42-моддасидаги "муносиб меҳнат қилиш

⁶ <https://lex.uz/doc/> Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни



хукуқи"нинг бузилишидир. Профилактика инспектори бундай шахсни аниқлаб, унинг ижтимоий манфаатларини (иш топиш, нафақа олиш) ҳимоя қилиш мажбуриятига эга. Мисол сифатида шахснинг меҳнат дафтарида иш тажрибаси бор, лекин 6 ой давомида расмий иш йўқ – инспектор бандлик хизмати билан ҳамкорликда иш жойи таклиф қилади.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бандида эса Ишсизлик жамиятда фуқаролик тинчлигини бузади (статистикага кўра, жиноятларнинг 30–40% ишсизлар билан боғлиқ). Бандликсиз шахсларни аниқлаш орқали хавфсизлик таъминланади. Амалий мисол: Тумандаги маҳалла кўчисида доимий даромадсиз юрувчиларни аниқлаш учун рейд ўтказиш, уларнинг жамоат тартибига таъсирини баҳолаш аҳамият касб этади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, мойил шахсларни аниқлаш банди профилактика инспекторининг асосий вазифаси. Ишсизлик – ҳуқуқбузарликларнинг энг катта сабаби (Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Қонуни, 35-модда). Амалий мисол: Маҳалладаги меҳнатга лаёқатли, лекин даромадсиз шахсларни аниқлаш учун сўровнома ўтказиш, уларни профилактик ҳисобга олиш ва сабаблари (ижтимоий муҳит, таълим етишмаслиги)ни бартараф этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси (таянч пунктлар ҳақида, сўнгги таҳрир 2022 йил 27 октябрдаги ЎРҚ-797-сонли Қонун) ва 151-моддаси (маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳақида, 2021 йилдаги ПФ-6196-сон Фармон ва 2022 йилдаги ВМҚ №343-сон қарорлар билан такомиллаштирилган) профилактика инспекторларининг фаолиятини маҳалла даражасида кучайтиришни белгилайди. Ушбу моддалар бандликсиз ва даромадсиз шахсларни аниқлаш фаолиятини жамоатчилик билан ҳамкорлик ва маҳаллий назорат асосида ташкил этишни таъминлайди, чунки ишсизлик ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби ҳисобланади (2025 йилдаги



статистикага кўра, ҳуқуқбузарликларнинг 30–35% ишсизлик билан боғлиқ). Бу фаолият профилактик ва ижтимоий характерга эга: аниқлаш билан чекланмай, шахсларни бандлик марказларига йўналтириш, ўқитиш ва реабилитацияни ўз ичига олади. 2025 йилда ПҚ-1-сон Қарор (январь ойи) маҳаллаларда "ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш"ни устувор вазифа этиб белгилагани учун, таянч пунктлар ва масканлар орқали бундай шахсларни аниқлаш тизими янада кучайтирилди. Қонуннинг 15-моддасига кўра Таянч пунктлар – ички ишлар органларининг қуйи бўғини, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни бевосита амалга оширади. Аҳамияти шундаки Таянч пунктлар маҳаллаларда (қишлоқлар, овуллар) профилактика инспекторлари орқали бандликсиз шахсларни аниқлашнинг базаси. Ишсизлик жамоат тартибини бузадиган криминоген омил сифатида кўрилади. Амалий мисол: Инспектор маҳалладаги хонадонларни аниқлаб, меҳнатга лаёқатли (тажриба/таълим бор), лекин даромадсиз (6 ойдан ортиқ) шахсларни топиб, профилактик ҳисобга олади (Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Қонуни, 35-модда). 15¹-моддада Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари – ички ишлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллада ҳамкорлигини ташкил этади. Ушбу модданинг аҳамияти Масканлар таянч пунктлар негизида ташкил этилади (ПФ-6196, 2021), ҳуқуқбузарликлар профилактикасини маҳаллада мувофиқлаштиради. Бандликсизликни аниқлаш маскан орқали амалга оширилади. Амалий мисол 2025 йилда масканларда видео камералар ва илмий ўрганишлар орқали даромадсиз шахсларни аниқлаш (ПҚ-1-сон Қарор). Умумий олганда 15 ва 151-моддалар профилактика инспекторларига бандликсиз шахсларни аниқлашни таянч пунктлар ва масканлар орқали маҳаллий, жамоатчилик назоратига ўтказди. Бу фаолият фақат аниқлаш эмас, балки ижтимоий реабилитация ва жиноятчиликнинг олдини олишнинг бир



қисми бўлиб, 2025 йилда "ҳар бир маҳаллада жиноятсиз ҳудуд" концепциясини амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни⁷ (2014 йил 14 май, ЎРҚ-371-сон) доирасида профилактика инспекторлари (ички ишлар органларининг профилактика бўлинмалари) томонидан бандлиги таъминланмаган, меҳнатга лаёқатли, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш фаолиятининг аҳамияти жуда катта. Қонуннинг 4-моддасида профилактиканинг асосий вазифаларидан бири сифатида «ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш» кўрсатилган. Ишсизлик ва доимий даромаднинг йўқлиги криминологик тадқиқотлар ва амалиётда жиноятчиликнинг энг муҳим сабаблари ва шарт-шароитларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун профилактика инспектори ушбу тоифадаги шахсларни аниқлаш орқали ҳуқуқбузарлик содир бўлиши мумкин бўлган “хавфли омил”ни олдиндан бартараф этади. Қонуннинг 28-модда: ғайриижтимоий хулқ-атворли ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш – профилактика инспекторининг тўғридан-тўғри вазифаси. Ишсизлик, меҳнатга лаёқатлилиқ, доимий даромад йўқлиги ғайриижтимоий хулқ-атвор белгиси сифатида қабул қилинади. Бундай шахсларга нисбатан профилактика суҳбати (30-модда), расмий огоҳлантириш (31-модда), профилактик ҳисобга олиш (34–39-моддалар) қўлланиши мумкин. 16-моддага кўра Профилактика инспектори аниқлаган ишсиз шахслар ҳақидаги маълумот меҳнат органларига узатилади → уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Бу эса ҳуқуқбузарлик содир этишга имкон бераётган шарт-шароитни (иқтисодий беқарорлик) бартараф этишнинг энг самарали йўли. Жазони ўтаб чиққан

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни



шахсларнинг кўпчилигида иш ва даромад йўқлиги рецидив (такроран жиноят содир этиш) хавфини кескин оширади. Профилактика инспектори уларнинг бандлигини назорат қилиши ва иш топишига кўмаклашиши қонунан белгиланган вазифа. Профилактика инспектори маҳалладаги “ишсиз, даромадсиз” шахсларни маҳалла посбони, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли билан биргаликда аниқлайди ва уларга нисбатан ижтимоий реабилитация чораларини ташкил қилади. Профилактика инспектори томонидан бандлиги таъминланмаган, лекин меҳнатга лаёқатли ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш:

-хуқуқбузарлик содир этилишининг энг кўп учрайдиган сабабини (иқтисодий оғир аҳвол) олдиндан бартараф қилишга хизмат қилади;

-рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда энг самарали чора (айниқса, илгари судланганлар орасида);

-якка тартибдаги профилактика чораларини (суҳбат, огоҳлантириш, профилактик ҳисоб) ўз вақтида қўллаш имконини беради;

-меҳнат органлари, маҳалла, ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликнинг “кўприги” бўлиб хизмат қилади;

-жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бевосита ҳисса қўшади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, профилактика инспекторлари томонидан меҳнатга лаёқатли, бандлиги таъминланмаган ва доимий муносиб даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан ишлаш фаолиятини янада самарали қилиш мақсадида қуйидаги амалий чора-тадбирлар ва таклифларни илгари сурамиз:

Норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш йўналишида:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан «Профилактика инспекторлари томонидан муносиб меҳнат ҳуқуқи бузилган



шахсларни аниқлаш ва уларга ижтимоий-профилактик ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида»ги алоҳида низомни қабул қилиш.

-Ушбу низомда «муносиб даромад» меъёрини аниқ белгилаш (масалан, энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган доимий даромад).

Идоралараро ҳамкорликни кучайтириш йўналишида:

-Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ИИВ ўртасида ягона электрон платформани (маълумотлар базасини) ишга тушириш: профилактика инспектори аниқлаган ҳар бир шахс тизимга киритилади ва 3 кун ичида бандлик маркази томонидан иш таклифи юборилади.

-ҳар бир маҳаллада «Маҳалла – Профилактика инспектори – Бандлик маркази» уч томонлама келишувини жорий этиш.

Профилактика инспекторларининг ваколатларини кенгайтириш йўналишида:

-энг кам ойлик иш ҳақидан кам даромад олаётган ёки қонуний даромад манбаи йўқ шахсларни «муносиб меҳнат ҳуқуқи бузилган шахс» сифатида профилактик ҳисобга олиш ҳуқуқини қонунан белгилаш.

-бандлик марказига мурожаат қилмаган меҳнатга лаёқатли шахсларга нисбатан «мажбурий йўналтириш» (маъмурий тартибда марказга олиб бориш) механизмини жорий қилиш.

Техник ва моддий таъминот йўналишида:

-2026 йилга қадар барча таянч пунктлар ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ягона миллий меҳнат базасига улаш.

-Профилактика инспекторларига планшет ёки мобил илова орқали реал вақтда шахснинг бандлик ва даромад ҳолатини текшириш имконини бериш.

Жамоатчилик ва маҳалла иштирокини кучайтириш йўналишида:



-ҳар бир маҳаллада «Ишсизликка қарши маҳалла кенгаши» тузиш (профилактика инспектори, маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, бандлик масъули).

-«маҳаллада ҳеч ким ишсиз қолмасин» акциясини доимий равишда ўтказиш.

Ушбу таклифларни амалга ошириш натижасида профилактика инспекторларининг ушбу йўналишдаги фаолияти нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш воситасигина эмас, балки фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқини амалда таъминлашнинг энг муҳим ва самарали механизмига айланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли, лекин бандлиги таъминланмаган ва доимий муносиб даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан ишлаш профилактика инспекторлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ушбу фаолият эндиликда фақат жиноятчилик профилактикаси эмас, балки Конституциянинг янги 42-моддасида кафолатланган ****«муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи»****ни амалда таъминлашнинг конституциявий вазифаси ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий асосни ташкил этувчи асосий ҳужжатлар: ЎзР Конституцияси 42-модда (янги таҳрир); Президентининг 26.03.2021 йил ПФ-6196-сон Фармони; 04.10.2024 йил ПҚ-347-сон Қарори; «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун (4, 15, 151-моддалар); «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун (айниқса 4, 16, 28–39-моддалар). Ушбу нормалар профилактика инспекторларига қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

-муносиб даромадсиз (энг кам ойлик иш ҳақидан кам) ва қонуний ишсиз шахсларни аниқлаш;

-уларни профилактик ҳисобга олиш;



-бандликка кўмаклашиш марказларига мажбурий йўналтириш;

-ишсизликнинг жиноятчиликка олиб келадиган салбий оқибатларини барвақт олдини олиш. Таклиф қилинган чора-тадбирлар (ягона электрон база, “муносиб даромад” меъёрини қонунда белгилаш, мажбурий йўналтириш, маҳалла кенгашлари ташкил этиш ва бошқалар)ни амалга ошириш орқали профилактика инспекторларининг ушбу фаолияти нафақат жамоат хавфсизлигини таъминлаш, балки аҳолининг муносиб меҳнат ва муносиб турмуш даражасига эришишининг энг самарали давлат механизмига айланади. Шундай қилиб, меҳнатга лаёқатли ишсизлар билан ишлаш Ўзбекистонда жиноятчиликнинг ижтимоий-иқтисодий сабабларини бартараф этишнинг энг муҳим йўналиши бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш миллий хавфсизлик ва фаровонликнинг гаровидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир, 2023 йил 30 апрель халқ референдумида қабул қилинган). // <https://lex.uz/docs/6445145>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021 йилдаги ПФ-6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 йил, 13-сон, 97-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.10.2024 йилдаги ПҚ-347-сон «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. // lex.uz расмий сайти, 2024 йил 4 октябрь.



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.04.2017 йилдаги ПҚ-2883-сон «Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. // <https://lex.uz/docs/3165013>

5. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни (сўнгги таҳрир 27.10.2022, ЎРҚ-797). // lex.uz

6. Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги йилдаги ЎРҚ-407-сон «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 июндаги 343-сон «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 03.01.2025 йилдаги «2025 йилда маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1-сон қарори

9. Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ // ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.